



Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 11 июль, № 139 (8762)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев бюджет маблағларидан фойдаланилиши устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Бугун дунёдаги мураккаб жараёнлар иқтисодидоғи ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Маблағ топиш, жамғариш, кўпайтириш тобора қийин бўлиб бормоқда. Бундай шароитда бор манбалардан самарали фойдаланиш, тежамкорлик ва аниқлик янада муҳим.

Шу йил 16 январь куни иқтисодидоғидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бюджет харажатларининг самардорлиги масаласига алоҳида тўхталиб, молиявий назоратни кучайтириш бўйича тақлифлар берган эди.

Маълумки, бу вазифани Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси амалга оширади. Ҳозирги тизимда фақат бюджет ва мақсадли жамғармалар харажати таққи аудит билан қамраб олинган. Бу жами харажатларнинг 86 фоизини ташкил этади.

Шу боис Ҳисоб палатаси томонидан консолидиациялашган бюджет ижросини таққи аудитдан ўтказиш тақлиф этилмоқда. Бу бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда ташқари ҳар хисобидан харажатларни ҳам қамраб олиш имконини беради.

Ҳисоб палатаси фаолиятида давлат дастурларидаги миллий мақсад ва ва-

Президентга мактуб САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Яқинда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетиде атоқли олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академики, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳибига Ботирхон Валихўжаевнинг “Танланган асарлар” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Раҳматли Ботирхон домла узоқ йиллар мазкур таълим даргоҳида талабаларга мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти, адабиётшунослик фанидан сабоқ берган, нафақат Самарқанд, балки бутун мамлакатда узининг қўллаб-қувватловчи илмий таққиот салмоқли илмий таққиот асарлари билан кенг танилган мўтабар ва закий зот эди.

Апломанинг уч жылдан иборат “Танланган асарлар”нинг биринчи ва иккинчи китобларидан “Мумтоз сиймолар” туркумида яратилган Мавлоно Лutfий, Хожа Аҳрор Валий, Низомиддин Мир Алишер Навоий, Ҳусайний — Султон Ҳусайн, Заҳриддин Мухаммад Бобур каби улғуш оир ва мутафаккирлар ҳақидаги ҳамда Самарқанд мадрасалари тарихига оид рисодалар, учинчи жылдан эса “Ўзбек эпик поэзияси тарихидан” ва “Ўзбек адабиётшунослиги тарихи” номли фундаментал таққиотлар ўрин олган.

Муаллифнинг олтимши йиллик илмий-ижодий фаолиятининг махсули бўлган ушбу сайланма Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси ижодий ходимлари, танқили мутахассис олимлар томонидан тайёрланиб, юқори полиграфия сифати билан нашр этилди.

Самарқанд давлат университетида алломанинг қўллаб-қувватловлари, ижодкор зиёлилар, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирокида бўлиб ўтган тақдимот маросимиде Ботирхон Валихўжаевнинг турмуш ўртоғи Хадича ая Вафоева ҳам сўзга чиқиб, Ёзувчилар уюшмаси ва университет раҳбариятига, домланинг ҳамкасблари ва шоғирдлари га ташаккур изҳор қилди. Ва мана шундай хайрли ишлар бошида мамлакат раҳбарининг ўзи тургани, унинг илм ва ижод аҳлига юксак ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Куйида бутун ҳаётини илм-фан ва таълим ривожига, ёш авлод тарбиясига бағишлаган етук алломанинг умр йўлдоши Хадича ая Вафоевнинг шу муносабат билан Юртбошимиз номига йўллаган мактубини эътиборингизга ҳавола эташимиз.

Қадрли Шавкат Миромонович! Сиз бугун Ўзбекистон раҳбарисиз, бу тун юрт масъулияти Сизнинг зиммангизда. Меҳрибон Эгам Сизга ана шундай буюк шараф ва масъулиятни муносиб кўрган экан, ҳар доим Узи кўлласин. Элюрт ишончи, кўпнинг дуоси Сизга мудом мададдор бўлсин!

Савобли ва шарафли хизматларингиз йўлида Яратгандан Сизга туганмас кўкүват, мустаҳкам соғлиқ ва омадлар тилайман. Ватанимиз, халқимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

Хадича ВАФОЕВА, маҳнат фахрийси. Самарқанд шаҳри

BYD БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАЛАРИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятидаги «BYD Uzbekistan Factory» заводиде амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифалар ҳақида ҳисобот билан танишди.

Мазкур корхона шу йил 27 июнь куни давлатимиз раҳбари иштирокида ишга туширилган эди. У BYD энгил автомобилларини ишлаб чиқарувчи Хитойдан ташқаридаги илк завод бўлди.

Бугунги кунда BYD янги энергия манбаларида ҳаракатланувчи автомобиллар — электромобиллар ва гибридарни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича дунёда етакчи компания ҳисобланади. У энг яхши технологик база, инновацион ечимлар ва сифат назорати тизимларига эга.

Ўзбекистонга бундай йирик компаниянинг кириб келиши, аввало, мамлакатдаги жозибдор инвестицион муҳит ва сифат, шунингдек, автомобилсозлик соҳасиде муҳандис кадрлар, ишлаб чиқариш базаси, моҳири ва логистика салоҳияти борлиги билан боғлиқ,

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси мазкур инвестиция лойиҳасининг дастлабки натижалари ва уни кенгайтиришга қаратилган режалар тўғрисида ахборот берди.

Қайд этилганидек, тўлиқ ишлаб чиқариш жараёнини ишга тушириш доирасиде Ўзбекистон корхоналари томонидан пластик қисмлар, ойналар, бамперлар, дисклар ва бошқа қўллаб-қувватловчи қисмлар ишлаб чиқарилиши бўйича BYD сифат тизимига мос келиши учун тақлиплари ўтказилди.

Аҳолининг энгил автотранспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва уларнинг турларини кенгайтириш мақсадиде хитойлик ҳамкорлар билан В, С ва бюджет автомобиллари сегментидеги автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича келишув-

ларга эришилди. Уларнинг биринчи намуналари хитойлик ҳамкорлар томонидан замонавий стандартлаштириш тизими синовларини ўтказиш учун лабораторияларга топширилди.

Шунингдек, замонавий технология ва стандартларни нафақат ишлаб чиқариш, балки савдо, сервис ва қафолат йўналишларида ҳам татбиқ этиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу сифатсиз махсулот чиқарилишининг олдини олиш ҳамда автотранспортга юқори сифатли сервис ва қафолатли хизмат кўрсатилишини таъминлади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БўЙИЧА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қўшимча чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

“Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили асосиде мамлакатимизда аҳолини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада шароитларни яхшилаш ва хизматларни кенгайтириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда ногиронлиги бор шахсларга қулайликлар яратиш муҳим вазифалардан. Шу мақсадда ногиронлики белгилашда рақамлашган тизимга ўтиш тақлиф этилмоқда.

Унга қўра бу дастлаб Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида, 2025 йил 1 сентябрга қадар барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилади. Эксперт комиссияларига тибиий ҳужжатлар оилавий шифокорлар томонидан электрон юборилади. Баҳолаш Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мослаштирилган мезонлари асосиде “Инсон” марказлари ходимлари томонидан

бўлган шахслар учун мослаштириш бўйича қурилиш ва жиҳозлашга йўналтирилади. Тўсиқларсиз муҳит яратилган объектларнинг электрон интерактив харитаси яратилади.

Жамоат транспорти бўйича тендерларда фақатгина ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилган автобуслар иштирок этиши мумкин бўлади. Шаҳар жамоат транспортиде I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга бепул хизмат кўрсатилади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хавфсиз ва тўсиқларсиз ҳаракатини учун шароитларни кенгайтириш ҳам кўзда тутилмоқда. Шу боис қуриладиган ва таъмирланадиган бинолар бунга мослашганлиги бўйича мажбурий экспертизадан ўтказилади.

“Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” жамғармасининг камиде 10 фоиз маблаг ишга йили чорраҳаларни ногиронлиги

бўлган шахсларга манабулик тасдиғи ҳисобланади. Бу тартиб дастлаб Тошкент шаҳри ва Янгийўл туманида, кейинги йилдан бошқа ҳудудларда жорий этилади. Натижада 72 турдаги ижтимоий хизматлар, 76 турдаги ёрдамлар ва 200 га яқин имтиёзлар ягона электрон тизимга умумлаштирилади. Қоғоз шаклидаги ҳужжатлар бекор қилиниб, вақт ва маблаг тежалади. Соҳа тўлиқ рақамлаштирилиши орқали ҳар бир оиланинг эҳтиёжлари ва имкониятларини акс эттирадиган “Ижтимоий-рақамли паспорти” жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

10 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Видеоконференцадоқ тарзда ўтказилган ялпи мажлисини Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.



Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидеги саҳифаси орқали тўғриварида тўғри ёришиб борилди. Сенаторлар ўз ишини янги таҳрирдиги “Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонуннинг муҳокамасидан бошлади.

Таъкидланганидек, амалдаги Қонун 2009 йилда қабул қилинган бўлиб, унда электр энергетикасининг улғуржи ва чакана бозори, жумладан, соҳада рақобатни қўллаб-қувватлаш механизмлари назарда тутилмаган, электр таъминотининг ишончли, хавфсиз, барқарор ҳамда ҳам харажатли ишлашини таъминлайдиган нормалар акс эттирилмаган, истеъмолчиларнинг нархлар ва хизматлар кўрсатиши сифати бўйича манфаатларини ҳимоя қилиш қафолатлари белгиланмаган. Шу боисдан бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермади.

Янги таҳрирдиги “Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонун билан истеъмолчиларнинг нархлар, ишончли электр таъминоти ва хизматлар кўрсатиши сифати бўйича манфаатларини ҳимоя қилиш, электр энергетикаси жиҳдий тўсиқларсиз сотиладиган ликвидли бозорни шакллантириш мақсадиде самарали, шаффоф, табақалашмаган ва рақобатдош электр энергия бозорининг юзага келиши ва ривожланишига қўмаклашиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, қонунда электр энергетикаси бозориде трейдерлар (жисмоний ёки юридик шахслар) фаолиятини тартибга солишга қаратилган умумий қоидалар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид норма киритилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг “Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самардорлигини ошириш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда энергия барқарорлигини таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энер-

ҲОКИМЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТИ ВА ҲИСОБДОРЛИГИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасига оид долзарб масалаларни халқ қилиш бўйича ваколатлари кенгайтирилиб, халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўйиб чиқариш борасидаги ислохотлар изчил давом этмоқда. Хусусан, янги тахрирдаги Конституциямизда халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошлиқ қилиши, вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзиде Кенгаш раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди. Галдаги устувор вазифа эса маҳаллий ижро этувчи ва вакиллик ҳокимиятининг бўлиниши принципида оид конституциявий қарорларни қонунчиликда акс эттириш масаласи эди.

Янги қонун лойиҳаси

Шундан келиб чиқиб, бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг аймақ қонун ҳужжатларига ўзгариши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, куни кеча қўйи палатада биринчи ўқишда қабул қилинди. Мазкур қонун лойиҳаси билан амалдаги қонун ҳужжатларига

қатор муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда. Биринчидан, янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқ, вилоят, туман, шаҳар ҳокими бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ҳокимиятини бошқариш ваколати берор қилиниб, фақат вилоят, туман ва шаҳарнинг ижро этувчи ҳокимиятига бошчилик қилиши назарда тутилмоқда. Иккинчидан, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларида кўриб чиқилаётганда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланти-

ришинг истиқболга мўлжалланган дастурини тақдим этиши ҳақидаги янги норма киритилмоқда. Учинчидан, айна бир шахс суррункасига икки муддатдан ортққ тегишли бир вилоят, туман, шаҳарнинг ҳокими этиб тайинланиши мумкин эмаслиги ҳақидаги янги норма билан тўлдириляпти. Тўртинчидан, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ерга эгаллик ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи оид ваколатлари бекор қилиняпти. Ер участкаларини доимий фойдаланишига беришга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ҳақи эканликлари мустаҳкамланмоқда. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида маҳаллий Кенгашларнинг ролини янада ошириш, вакиллик назоратининг янги шакллари жорий қилиш, ҳокимларнинг маҳаллий Кенгаш олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтиришга қаратилган қатор янги нормалар акс этмоқда. Унга кўра маҳаллий Кенгашлар фаолиятига депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилади. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессияларини чақирининг сони ва муддатлари ҳам лойиҳада акс этмоқда. Яъни би-

ринчи сессиянинг очилиши ва унда раислик қилиш тартиблари белгиланяпти. Бундан ташқари, Кенгаш раиси ва сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия гуруҳи раҳбарига сессияларга раислик қилиш ваколати тақдим этилмоқда. Маҳаллий Кенгашларга ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қоида тариқасида, 5 тагача (амалда 8 та) доимий ва муваққат комиссиялар тузиш ҳуқуқи берилляпти, комиссияларнинг ваколатлари ҳам кўзда тутиляпти. Қонун лойиҳаси билан маҳаллий Кенгашларнинг ваколат доиралари кенгайтирилмоқда. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) минтақавий вакилининг, Президент Халқ қабулхоналарининг ахборотларини эшитиш, Ешлар ишлари агентлиги ҳудудий раҳбарларининг ҳисоботини кўриб чиқиб қабилир шулар жумласидандир. Маҳаллий Кенгашларнинг назорат тадбирларини амалга оширишдаги имкониятларини “Кенгаш сўрови” ва “Кенгаш текшируви” каби таъсирчан институтларни жорий этиш ҳисобига кенгайтириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгаш ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиб, келиши ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимида (e-qarorgov.uz) рўйхатдан ўтказилиши мустаҳкамланяпти. Яна бир аҳамиятли жиҳати, ушбу ҳужжатдаги ҳоким ва маҳаллий Кенгаш раиси вазиқаларининг ажратилиши билан боғлиқ қоидалар вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2024 йилги сайловлар яқунлари бўйича, туман ва шаҳарларда эса 2026 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилиши белгиланмоқда. Мухтасар айтганда, қонун лойиҳаси ҳудудларда ҳокимиятлар бўлиниши принципини тўлақонли рўйиб чиқариш, ижро органлари устидан маҳаллий Кенгашлар ва улар депутатларининг вакиллик назоратини кучайтириш ва уларни халқнинг чинакам “овози”га айланттиришда муҳим ўрин тутди. Асосийси, мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар рўйига хизмат қилади.

Иножон КўРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Рўйхатдан ўтиш бошланди

2024/2025 ўқув йилида иккинчи ва ундан кейинги таълим (иккинчи мутахассислик) учун талабгорларни рўйхатдан ўтказиш бошланди.

Рўйхатдан ўтиш ягона таълим хизматлари портали орқали жорий йилнинг 10 августига қадар онлайн шаклда амалга ошириляди.

Бунда номзодлар платформада ўзининг паспорт ва ЖШПР маълумотлари ҳақида ахборотларни киритиши, диплом ва илованинг электрон нусхасини юклаши ҳамда ўқиш истагини билдирган олий таълим муассасаси ва таълим йўналишини танлаши керак бўляди.

Қайд этиш кераки, иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бўйича ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга ошириляди.

Технопарк ташкил қилинади

Қўон шаҳар ҳокимлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамкорлигида ушбу қадимий кентда замонавий технопарк ташкил қилишга киришилди.



Мажмуада технопарк илмий-тадқиқот институтлари, саноат корхоналари, бизнес марказлари, кўргазма майдончалари, таълим муассасалари барпо этиляди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш, инфратузилма объектлари, тураржой бинолари жойлаштириляди.

Технопаркда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун худудий, илмий, технопарк ва техник база яратиш мақсад қилинган.

Оилавий поликлиника янги қиёфада

Ўзбекистон тумани марказидан 15 қақирим узоқда жойлашган Ўқчи қишлоғидаги 74-оилавий поликлиника инвестиция дастури асосида реконструкция қилиниб, фойдаланишига топширилди.



Қунлик 100 қатновга мўлжалланган поликлиниканинг қурилиш-таъмирлаш ишларига 2 миллиард 463 миллион сўм маблағ сарфланди. Муассаса сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Натижада ушбу худудда яшовчи 12 миңдан зиёд аҳолига малакали хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилди.

Дарахтларга нафас беринг!

Анджон вилоятида ана шу шпор остида тадбир бўлиб ўтмоқда.



Ўртимизнинг кўп жойларида дарахтларга реклама тахтачалари осиб қўйиш, йўлларни асфальтлаш ёки бетонлаш пайтида қўчатларни ҳам суғориш имкониятлари чеклаб қўйилди. Бу дарахтларнинг нафас олишига тўсиқлик қилиб, бевақт қуришга сабаб бўляди.

Тадбир доирасида бир ҳафтада 75 та дарахтларнинг таг қисмлари бетон ва асфальт қопламалардан очилиб, парвариллаш учун қулай шароит яратилди. 50 тугдан зиёд дарахтлардан реклама баннерлари олиб ташланди.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

Бюджет даромадларини ошириш: ТАЛАБ ВА ТАВСИЯЛАР

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг “2024 йил иккинчи чорагида Давлат бюджети даромадлари прогнози ижросининг баҳарилиши тўғрисида”ги ахборотлари эшитилди.

Таъкидланганидек, солиқ органлари томонидан шу йилнинг иккинчи чораги давомида даромадлар прогнози ижроси режага нисбатан 101,3 фоизга баҳарилган. Хусусан, “маҳаллабай” ишлаш институтининг самарали ташкил этилиши натижаси билан бевосита маҳаллий бюджетлар даромади бўлган мол-мулк солиғи тушумлари 37,6 фоизга, ер солиғи 31,2 фоизга, сув ресурсларидан фойдаланиш учун солиқ 21 фоизга, айланмадан олинадиган солиқ 19 фоизга ва жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ 18 фоизга ўсган.

Ўтган даврда тадбиркорлик субъектлари божхона тўловларидан самарали фойдаланган. Уларга божхона тўловларини кечиктириб тўлаш имконияти тақдим қилинган.

Тадбирда давлат активларини хусусийлаштириш жараёни аукцион савдоларининг сўст кетаётгани, бу ўз навбатида, давлат бюджетига тушумларнинг тушишига салбий таъсир



этаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, жорий йилнинг январь — июнь ойларида хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ 5 миңга яқин активлар савдоларга чиқарилиб, уларнинг атғи 1 434 таси сотилган. Бундан ташқари, Божхона қўмитасининг худудий бошқармаларига белгиланган божхона тушумларининг прогнози режа ижроси ўтган йилнинг шу давридаги маъна Андижон вилоятида қарийб 5 фоизга, Сурхондарё вилояти-

да 12 фоизга, Тошкент вилоятида 9 фоизга кам баҳарилган.

Тадбирда депутатлар “яшин” иқтисодиётни кискарттириш ҳисобига бюджет даромадларини ошириш, солиқ тўловларини олдиндан ундириши-

га чек қўйиш, самарасиз божхона ва солиқ имтиёзларини камайтириш, давлат активларини сотиш ва ижарага бериш аукцион тизимини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарандорлиги ҳамда натижадорлигини оширишга қаратилган ўз тақлиф ва тавсияларини берди.

Қун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

лион дастурчи” лойиҳасининг навбатдаги босқичи “Coursera” платформаси доирасида 569 миң нафар ёшни халқаро сертификатларга ўқитиш назарда тутилган. Ўтган давр мобайнида улар сони 214 миңни, шундан профессорлар сертификати кўлга киритган ёшлар сони 831 нафарни ташкил қилмоқда.

Мухоқима давомида депутатлар Давлат дастурида белгиланган устувор вазиқалар ижроси таъминланаётганини эътироф этди. Рақамли технологиялар вазиқлиги ва соҳа корхоналари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини, шунингдек, ҳодимларнинг муомала маданиятини Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда махсус электрон мосламалар орқали ҳам баҳолаш тизими йўлга қўйилган депутатлар томонидан ижобий баҳоланди.

Йиғилишда депутатлар томонидан соҳадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар берилиб, ушбу масалалар юзасидан самарали парламент назорати тизими давом эттирилишига келишиб олинди.

Қун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Экологик муаммоларнинг ечимларига қаратилган ташаббуслар

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари туфайли сўнгги йилларда қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мулкчи ва сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари ва механизмлари жорий этилди.

Ак савдо

Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) ана шундай янги мулоқот майдонларидан бири ҳисобланади. Ушбу ташкилотга Ўзбекистон 2019 йилда қўшилган бўлиб, унга аъзо давлатлар худуди қарийб 4 миллион квадрат километр ўз ички эъди. ТДТга Ўзбекистон қўшилганидан сўнг у нуфузи, салоҳияти ва аҳамияти жиҳатдан Евроосий марказидаги ийрик тузилмага айланди.

Мазкур ташкилотнинг асосий мақсади — қардош мамлакатлар ўртасида ишонч ва алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодиёт, транспорт, энергетика, туризм ва маданият-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 6 июль куни Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этди ва нутқ сўзляди.

Президентимиз барча соҳа каби иқлим ўзгаришларига қарши биргалликда курашишга, “яшил” энергетикани ривожлантиришга, Оролбўйи экологик муаммоларига эътиборни қаратиб, бу борда янги ташаббусларни илгари сурди. Шунингдек, мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш учун вазиқлар даражасида Туркий экология кенгашини тузиш тақлифи ҳам бил-

дирилди. Мазкур тузилма қароргоҳини экологик офатдан энг кўп зарар кўрган худуд — Оролбўйидаги ийрик шаҳар Нукусда жойлаштириш айна мудоао бўлиши таъкидлаб ўтилды. Шунингдек, жорий йилнинг ноябрь ойида Бокуда ўтказиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 29-Иқлим саммити (COP — 29) мамлакатларимиз учун улкан воқелик бўлиши ҳамда Ўзбекистон мазкур нуфузли анжуманда фаол иштирок этиши ва бу борда Озарбайжонга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканлиги билдирилди.

Нуфузли тадбирда Ўзбекистоннинг “яшил” энергетика соҳасидаги сиёсати, хусусан, 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия қувватларини кескин ошириш, энергетика балансида уларнинг улушини 40 фоизга етказиш мақсадлари ҳақида маълумот тақдим қилинди.

Албатта, мазкур саммитда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган барча йўналишдаги ташаббуслар аниқ дастур ва лойиҳалар орқали ҳаётга тақбик этиляди. Бу эса, ўз навбатида, туркий давлатлар халқларининг тараққиёти ва тинчлиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Моҳира ХўЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси.

Шу йилнинг 18 — 20 август кунлари Самарқанд шаҳри ИТКФ қаратэ-до бўйича Осиё чемпионатида мезбонлик қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 12 561 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоини келишилган нархда.

Газетанин таъмироти маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибсат 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН ҚўБЪМАЛАР тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилямайди.

Газетанинг сўзи берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сўзиқаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислол Қаримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.35 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6